



Маҳалла

ШАНБА

2014 йил 17 май,
№40 (1007)

www.mahallagzt.uz info@mahallagzt.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори

Қишлоқ хўжалигининг машинасозлик корхоналарини бошқаришни янада такомиллаштириш ва молиявий соғломлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Қишлоқ хўжалигининг машинасозлик корхоналари фаолиятини бошқаришни янада такомиллаштириш, уларнинг самарадорлиги ва рентабеллигини ошириш, соҳада ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, агросаноат комплекси учун замонавий, унумдорлиги юқори, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош техника ва ускуналар ишлаб чиқаришни ташкил этишга қаратилган ягона техника сиёсатини амалга ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, шунингдек, республика қишлоқ хўжалигининг машинасозлик корхоналари акциядорларининг акциядорлик жамияти шаклидаги агросаноат машинасозлиги ҳолдинг компаниясини («Ўзгросаноатмашхолдинг» ҳолдинг компанияси) ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар «Ўзгросаноатмашхолдинг» ҳолдинг компаниясининг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгилансин:

ички ва ташқи бозорларда маркетинг тадқиқотлари ўтказиш, эҳтиёж

га мувофиқ қишлоқ хўжалиги учун турли русумдаги техника ва механизация воситаларини ишлаб чиқариш ва етказиб беришни мувофиқлаштириш, махсулотлар турини кенгайтириш ва экспорт қилиш ҳажмини ошириш;

қишлоқ хўжалигининг машинасозлик соҳасида республика қишлоқ хўжалигида ресурс тежайдиган агротехнологияларни жорий этишни таъминлайдиган замонавий, унумдорлиги юқори қишлоқ хўжалиги техникаси ва механизация воситаларини ишлаб чиқарилган корхоналарни ташкил этишга қаратилган ягона илмий-техника ва инвестиция сиёсатини амалга ошириш;

энергия ва металл ишлатилишини тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш ҳисобига қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқарилган янги корхоналар ташкил этиш ва фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш; ҳолдинг компанияси таркибига кирадиган корхоналар ва республиканинг бошқа корхоналари ўртасида илмий-техникавий ва ишлаб чиқариш кооперациясини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш;

қишлоқ хўжалиги техникасига хизмат кўрсатиш соҳасида ягона сервис сиёсатини амалга ошириш.

3. «Ўзгросаноатмашхолдинг»

ҳолдинг компаниясининг ташкилий тузилмаси ва унинг бошқарув ходимлари чекланган сони 35 кишидан иборат ижро аппарати тузилмаси 1- ва 2-чиловаларга мувофиқ маъқуллансин. Компания бошқаруви раисига зарур ҳолларда, унинг ижро аппарати тузилмасига ходимларнинг тасдиқланган чекланган умумий сони доирасида ўзгартишлар киритишга рухсат этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, бошқарув раиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда ҳолдинг компанияси акциядорлари умумий йиғилишининг қарори биноан тайинланади.

4. Белгилансинки, «Ўзгросаноатмашхолдинг» ҳолдинг компаниясининг бошланғич низом жамғармаси компанияга мустақил баҳолаш ташкилоти томонидан белгиланган қийматда бериладиган давлат акция пакетлари ва улушлари ҳисобидан 3-иловага мувофиқ шакллантирилади.

Ҳолдинг компаниясига тушган мублағларни соҳага оид инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга мақсадли йўналтириш шарти билан компания акциялари пакетининг камида 51 фоизини давлат тасарруфида соқлаб қолган ҳолда, акциялар қўшимча эмиссиясини амалга оширишга рухсат этилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг:

тракторлар, тиркама ва пахта териш машиналари ишлаб чиқаришни янги ташкил этиладиган «Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи» очик акциядорлик жамиятида жамлаш ва «Тошкент трактор заводи» очик акциядорлик жамиятини қонунчиликда белгиланган тартибда тугатиш;

«Агрегат заводи» очик акциядорлик жамиятида ишлаб чиқариладиган махсулот турларини «Чирчикқишлоқмаш» очик акциядорлик жамиятига

бошқариш ишлаб чиқариш майдонларига босқичма-босқич кўчириш ва улар негизда осма ва тиркамали қишлоқ хўжалиги техникасининг замонавий турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш бўйича «Чирчик қишлоқ хўжалиги техникаси заводи» очик акциядорлик жамиятини ташкил этиш, «Чирчикқишлоқмаш» очик акциядорлик жамиятини қонунчиликда белгиланган тартибда тугатиш; янги ишлаб чиқариш корхоналарини 4-иловага мувофиқ жойлаштириш учун «Тошкент трактор заводи» ва «Чирчикқишлоқмаш» очик акция-

дорлик жамиятларининг бўшайдиган ишлаб чиқариш бино ва иншоотлари ҳамда ер участкаларини «Ўзгросаноатмашхолдинг» ҳолдинг компанияси балансига унинг низом жамғармасидаги давлат улуши ҳисобидан белгиланган тартибда ўтказиш;

«Агрегат заводи» очик акциядорлик жамиятида қишлоқ хўжалиги техникаси учун компонентлар ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилишини сақлаб қолиш, бунда акциядорлик жамиятининг устав жамғармасида давлат улушини «Агрегат заводи» очик акциядорлик жамиятининг бюджет ва давлат мақсадли фондлари олдидаги қарздорлигини, ҳисобланган пеня ва жарималари билан бирга капиталлаштириш эвазига қўпайтириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда уч ой муддатда «Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи» очик акциядорлик жамияти ва «Чирчик қишлоқ хўжалиги техникаси заводи» очик акциядорлик жамиятининг низом жамғармаларини шакллантиришни белгиланган тартибда таъминласин.

(Давоми 2-бетда).

СЎЗ — ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Буюк даҳоларни етиштирган юртнинг келажаги албатта буюк бўлади

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривождаги роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференция якунланди.

ЎЗА махсус мухбирлари анжуман иштирокчиларининг айримлари билан суҳбатлашди.

Юль ЯНСЕНС, Лувен католик университети профессори (Бельгия):

— Президент Ислом Каримов конференциянинг очилиш маросимида илмий фаолиятимга юксак баҳо берганидан ниҳоятда тўлқинланиб кетдим. Тарихни, бугунги кунни ва келажакни яхши биладиган, илм-

маърифатни қадрлайдиган инсон бундай самимий фикрларни айтади. Бу фикрлар мен учун катта шараф, айни пайтда юксак масъулият.

Европада Шарқ цивилизацияси, хусусан, Мовароуннаҳр тарихини жуда қадрлашади. Мен ушбу ҳудуднинг тарихий ривожини, буюк алломалари илмий меросини ўрганишга бутун ҳаётимни бағишлаганман.

> [2]

ГИЁҲВАНДЛИК — АСР ВАБОСИ

Огоҳликка имкон ҳам, вақт ҳам етарли

Гиёҳвандлик — инсониятга катта таъсир келтираётган иллатлардан. Унга ружу қўйиш кишини ҳам маънавий, ҳам jisмоний ҳалокатга етаклайди. Энг ёмони — гиёҳвандлик жамиятда таҳдид солади, миллатлар генофондида таъсир кўрсатади.

■ Ю. ҲОЖИЕВА «Mahalla»

Айнан гиёҳвандлик савдо-сидон жуда катта маблағ айланишини ҳисобга олсак, бундай манфур қилимиш ортда айрим нопок қучларнинг моддий манфаати ётганига гувоҳ бўламиз. Ийрик жиноий даромад эса терроризм, қўпоровчилик каби зўравонлик ҳуружларини молиялаштиришга сарфланиб, ҳаёнда жиноят ўчоқларининг пайдо бўлишига олиб келадигани янада хатарли.

Тошкент шаҳар нарколегия диспансерида даволанаётган собиқ гиёҳванд ўз умрини ортга қайтаришни ис-



тимизда инсон хотираси муқаддас, қадр-қиммати азиз ва мўътабарлигига яна бир қара шожид бўлди. Мазмун-моҳияти теран инсонпарварлик тамойиллари билан йўғрилган маъмур сана арофасида кўпласи кўнгилларга қувонч ва шодлик олиб кирилди. Тинч ва фаровон ҳаётимиз собоб-чиси бўлган уруш ва меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олинди.

> [2]

Халқаро конференция якунланди



Самарқанд шаҳрида «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривождаги роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференция якунланди.

Президент Ислом Каримов форумнинг очилиш маросимида нутқ сўзлагани барча олим ва мутахассисларни ғоят руҳлантиргани алоҳида таъкидланди.

Анжуманнинг шўъба мажлисларида Шарқ алломаларининг астрономия, математика, география ва геодезия каби аниқ фанлар шаклланишидаги ўрни, тиббиёт, фармакология, кимё ва минералогия сингари табиий фанлар ривожланишига қўшган улкан ҳиссаси, шунингдек, ўрта асрлар мутафаккирларининг тарихий ва фалсафий мероси, тилшунослик ва адабиёт соҳаларидаги ютуқлари ҳақида сўз юритилди.

> [2]

БУГУННИНГ ГАПИ

Маслаҳатчининг маънавий тарғиботи ҳаётини, таъсирчан ва самарали бўлиши керак

Маънавий юксаклик — жамият барқарорлигининг муҳим шартини ҳамда тараққиёт кафолатидир. Юртимиз ҳаётининг барча соҳаларида эркинлаштириш жараёни кечаётган бир пайтда юксак маънавият ва маърифатли, миллий ва умуминсоний қадриятларни чуқур эгаллаган, демократик тамойиллар ҳамда фуқаролик жамияти асосларини ҳар томонлама ўзлаштирган, шахсий ва умуммиллий манфаатларни ўзаро уйғун кўра оладиган эркин шахс ва онгли авлоднинг тарбиялаш асосий вазифага айланган.

Иккинчи мақола

■ Юльз ҲОЖИЕВА «Mahalla»

Бундай мақсадларга эришиш, шубҳасиз, маҳаллаларда ташкил этиладиган маънавий тарғибот тадбирларининг сифати ва самарадорлигини оширишни тақозо этади. Шу бож биринчи мақолада фуқаролар йиғинларининг диний маъ-

рифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари бугунги кунда қандай тарғибот юртиши зарурлиги, бундай вазифаларга замонавий ёндашув ҳамда янги услублар жорий этиш хусусида тўхтаб қолган эдик. Аммо ғоявий тарғибот ишини ташкил қилишда маҳалла фаолларидан талаб қилинадиган бошқа омиллар ҳам борки, уларни инобатга олмасдан кўзланган натижаларга

эришиш қийин.

Аввало, ушбу вазифа нафақат йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, балки Маърифат ва маънавий масалалари бўйича комиссия аъзолари, умуман, ҳар бир маҳалла фаоли учун устувор аҳамиятга эга эканини унутмаслик зарур.

> [3]

> [3]



КЎРИК-ТАНЛОВ

Намуналилар сараланди

Маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ёшларни баркамол бўлиб вояга етишишга ҳисса қўиши, оилалар мустаҳкамлигини ҳамда репродуктив саломатликни сақлашда фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларининг алоҳида ўрни бор.

■ Акбар РУСТАМОВ
«Mahalla»

Албатта, бундай масъулиятли вазифаларни урдалаш маслаҳатчидан ўз устидо тимисиз ишлаш, малакасини мунтазам ошириб боришни талаб этади. Бу борада ҳар йили онавий тарзда ўтказиб келинаётган «Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» кўрик-танлови муҳим аҳамият касб этаётир.

Яқинда мазкур танловнинг Шофиркон тумани босқичи бўлиб ўтди. Унда ҳудуддаги 38 та маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси ғолиблик учун мусобақалашди.

Иш ҳужжатларининг юритилиши, кундалик ҳаётда учрайдиган муаммоларга ечим топиш билан боғлиқ шартлардан иборат му-

собақада «Котиён» маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Бибиш Қодирова юқори балл тўплаб, мусобақа ғолиблиги ҳамда танловнинг вилоят босқичига бериладиган йўлланмани кўлга киритди.

— Фаолиятимизни соҳага оид қонунлар ҳамда Фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси фаолияти тўғрисидаги Намунавий низоом талаблари асосида ташкил этганимиз тўғрисида файли яхши натижаларни кўлга киритяпмиз, — дейди кўрик-танлов ғолибаси Б.Қодирова. — Маҳаллаларда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, кийиниш маданияти, тўй-маросимларни ихчам ўтказиш билан боғлиқ ишларимизни янада жадаллаштиришда куч-қайратимизни аямоймиз.

* * *



Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги «Гулистон» маҳалла фуқаролар йиғинида мазкур танловнинг туман босқичи бўлиб ўтди.

■ Мавлуда МЕЛИҚУЛОВА
«Mahalla»

Унда саккиз нафар диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи ўз билим ва малакаларини синовдан ўтказди. Танлов шартлари кўра, маслаҳатчилар бугунги куннинг долзарб муаммоларини соҳна кўринишлари орқали намойиш этишди.

Барча шартлардан муваффақиятли ўтган Шукур Бурҳонов номидаги маҳалла фуқаролар йиғини мас-

лаҳатчиси Юлдуз Ражабова фахрли биринчи ўринни кўлга киритди.

— Бугунги ютуғимдан хурсандман, — дейди танлов ғолибаси Юлдуз Ражабова. — Йиллар давомида тўплаган билим ва тажриба бугун муносиб тақдирланди. Бу ютуқ мени янада кўпроқ ўқиб изланишга, ўз устимда ишлашга ундайди. Танловнинг навбатдаги босқичида ҳам иштирок этиб, фахрли ўринни эгаллашга ҳаракат қиламан.

Танлов сўнгида қатнашчиларга эсдалик совгалари, фахрий ёрлиқлар топширилди.

ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ ЮРТ ҚУДРАТЛИ БЎЛУР

Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она



Бугун мамлакатимизнинг қай бир гўшаси, қай бир маҳалласига бор-майлик билаги кучга тўлган, кўзи чақноқ, мақсади эзгу ёшларни кўриб, фахр туйғусини ҳис этамиз. Президентимиз раҳнамолигида истиқлолнинг илк воягарибданок ёш авлодни ҳар томонлама қамол инсонлар этиб тарбиялашга алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда.

■ Санобар БОЙМУРОДОВА
«Mahalla»

2014 йилнинг «Соғлом бола йили» деб номланиши замирида ҳам фарзандларимизнинг жисмонан соғлом, интеллектуал жиҳатдан салоҳиятли этиб вояга етказишдек улуг мақсад мўжассам.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида: «...соғлом бола тарбиясида маҳалла ва ижтимоий тузилмаларнинг катта ўрни ва таъсири борлиги ҳақида ортиқча гапирининг ҳолати йўқ. Халқимизнинг «Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она», деган мақолида, албатта, чўқур маъно мўжассам. Шу нуктаи назордан қараганда, маҳалла оқсоқоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, маҳалла посбонларининг жамиятимиз ҳаётида тинчлик ва осойишталик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик, ҳушёрлик ва огоҳлик муҳитини мустаҳкамлашдаги масъулияти янада ортади», дея маҳаллаларга катта ишонч билдирди.

Албатта, соғлом бола нафақат ота-онанинг, балки жамиятнинг иқболи, истиқболдир. Фарзанд оилада қамол топади, маҳаллада ўсиб ўлғади. Муҳит, одамларнинг бир-бирига муносабати,

инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибат, қадр-қиммат бола онгига таъсир кўрсатади. Қувонarli жиҳати шундаки, ўзбек маҳаллаларида бегона боланинг ўзи йўқ. Вояга етаётган ҳар бир ўғил-қизнинг соғлиги, келажаги, тақдири учун барча бирдек қайғурди, ғамхўрлик кўрсатади. «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар мана шундай эзгу мақсадларни ҳам қамраб олган.

Дастур моҳиятига соғлом бола — соғлом ва ахил оиланинг мевасидир, таъмоили сингдирилган. Шу боис юртимиз маҳаллаларида оилалар билан ишлаш, соғлом оила ва муҳит, тиббий маданиятни шакллантириш каби вазифаларга бағишланган учрашув ва давро суҳбатлари ташкил этилаётир.

— Бугун оила қуриш масаласига шунчаки орзу ҳовас ёки хоёт қонуни сифатида эмас, балки жамиятнинг асосий бўғини, муқаддас даргоҳ сифатида қаралмоқда, — дейди Қарши туманидаги Богород кишлоқ фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Жумагул Исмоилова. — Айниқса, никоҳдан олдинги тиббий кўрикка катта эътибор берилаётир. Зеро, соғлом ота-онадан соғлом фарзанд дунёга келади. Бугун оилавий поликлиникаларда, кишлоқ врачлик пунктларида болаларни вақтида эмлаш, уларни доимий назорат қилиш ва ёш оналар билан суҳбатлар изчил олиб боришмоқда.

Дарҳақиқат, вилоят прокуратураси, ФХДБ бўлимлари, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг вилоятдаги вакиллари билан ҳамкорликда маҳалла ва кишлоқ фуқаролар йиғинларида «Эрта никоҳнинг салбий оқибатлари», «Оилада тиббий кўрикнинг аҳамияти» мавзуларида давро суҳбатлари ташкил этилмоқда. Уларда минглаб ёшларнинг иштирок этаётгани ўз самарасини бермоқда. Бундан ташқари, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида «Оила — жамиятнинг муҳим бўғини», «Ватан тараққиёти оиладан бошланади», «Бола тарбиясида оила ва маҳалланинг роли, аҳамияти ва масъулияти» мавзуларида 1240 марта учрашув, давро суҳбати ҳамда турли тадбирлар ташкил этилиб, уларда 11300 нафардан зиёд аҳоли иштирок этди.

Давлат дастурида соғлом бола туғилишида онанинг саломатлиги муҳимлиги ҳам алоҳида эътиборга олинган.

— Юртбошимиз ҳамиша оёларнинг меҳнатини енгиллаштириш, улар саломатлигини мустаҳкамлаш, ғамхўрлик кўрсатиш ҳақида кўйиниб ғайирадилар, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бош мутахассиси Юлдуз Равшанова. — Бу ҳар бир ўзбек аёлининг тақдири, келажаги доимо эътиборда эканидан далолат. Ҳақиқатан ҳам, соғлом боланинг туғилиши, аввало, онанинг соғлигига боғлиқ. Шу боис аҳоли ўртасида ўтказилаётган учрашувларда масаланинг шу жиҳатига кўпроқ аҳамият қаратилмоқда. Аёлларга тиббий кўрикнинг моҳиятини тушунтириш билан бирга, уларнинг турмуш ўртоғи, қайнонаси билан ҳам суҳбатлар уюштирилиб, оёл ҳомиладор бўлганда нималарга эътибор қаратиш зарурлиги, жумладан, унинг рўзгордаги юмушларини енгиллатириш, руҳиятини кўтариш, овқатланиш тартибига риоя қилишини назоратга олиш фарзанднинг соғлом дунёга келишида энг асосий омил экани таъкидланмоқда.

Шунингдек, оилаларда ахлоқий ва маънавий қадриятларни шакллантириш, эрта никоҳ ва ажримларнинг олдини олиш масалалари бўйича мутахассис-психолог билан учрашувлар уюштирилмоқда. Баркамол авлодни тарбиялашда, айниқса, ота-оналарнинг тиббий маданияти муҳим ўрин тутди. Зеро, тиббий маданиятни юксалтиришга қаратилган кенг қўламли тушунтириш ишлари ўз натижасини бераётир. Жумладан, Қарши шаҳри ҳамда Чироқчи, Шахрисабз, Китоб, Косон туманларида маънавият тарбияот маркази ҳамда тиббиёт ҳодимлари, маҳалла фаоллари билан биргаликда хонадонларда бўлиб, зарур маслаҳатларни бериб боришяпти.

Бундан ташқари, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, болалар спортини ривожлантиришга йўналтирилган тадбирлар лойиҳаси ишлаб чиқилиб, ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда Қарши шаҳрида ҳам «Истиқлол юлдузлари», «Юрт истиқбол», «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласимиз» каби мавзуларда мусобақа ва фестиваллар ташкил этилаётир. Уларда минглаб ёшлар ўз истеъодларини намоён этмоқда. Умумтаълим мактаблари ўртасида «Алпомиш», «Барчиной» спорт мусобақалари, ўй бекалари ва қизлар учун «Имнатиқо — борча учун», «Соғлом оила» каби фестиваллар ўтказилмоқда.



Конда портлаш

Туркиянинг Сом шаҳри яқинидаги кўмир қонида рўй берган портлаш оқибатида 280 нафардан зиёд ишчи ҳалок бўлган.



Қутқарув ишлари мобайнида 450 нафардан зиёд

кончи шахтадан олиб чиқилган, қарийб 100 нафарга яқини бедарак йўқолган, деб топишган.

Маъшум Ҳабибага электр симларидаги носозлик тўғрисида келиб чиққан портлаш сабаб бўлган. 2 минг метр чуқурликдаги қонда портлаш рўй берган вақтда 787 нафар ишчи бор эди.

Ҳодиса муносабати билан мамлакатда уч кунлик мотам эълон қилинган.

Натижа қониқарли эмас

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, сўнгги 20 йил мобайнида дунёда оналар ўлими 45 фоизга камайган.

1990 йилда ҳомиладорлик ҳамда туғиш жараёнида ярим миллиондан зиёд аёл ҳаётдан кўз юмган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич 289 минг нафарни ташкил қилган. Ҳозирги пайтда ҳомиладор аёллар ҳамда туғиш жараёнидаги ўлим ҳолатларининг 60 фоизи Африка

ҳамда Осиё мамлакатлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Эришилаётган салмоқли натижаларга қарамай, бу борадаги ишлар ҳали етарли эмас. Боиси бутунги кунда Ер юзиде ҳар соатда оналар ўлими билан боғлиқ 33 та ҳолат қайд этилмоқда.

Уммонлар сатҳи кўтарилади

НАСА ҳамда Калифорния университети олимлари Фарбий Антарктидада музларнинг эриши оқибатида дунё уммонлари сатҳи 4,5 метрга кўтарилиши аниқлашди.



Тадқиқотчилар Фарбий Антарктиданинг Амундсен денгизини 40 йил мобайнида ўрганиш натижасида ана шундай

хулосага келишган. Олимлар, асосан, дала кузатувлари, самолёт ҳамда сунъий йўлдош кўмағида олинган маълумотларга таянишмоқда.

Мутахассисларнинг сўзларига кўра, музларнинг эриши жараёни аллақачон бошланган ва уни ортага қайтариб бўлмайди. Табиатнинг мазкур ҳодисаси бир неча юз йиллар давом этади. Ҳозирда музликлар қутилганига қараганда шитоб билан эримокда. Бунга глобал иссиқ ҳамда озон тўғнуғи сабаб бўлаётир.

■ Интернет материаллари асосида
Отабек ҚУВОНДИҚОВ тайёрлади.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбектуризм» Миллий компанияси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, «Ўзбеккино» Миллий агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси, Ўзбекистон Фанлар академияси, «Олтин мерос» халқаро хайрия жамағармаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази

«ЯНГИ НИГОҲ»
видеороликлар танловини эълон қилади.Танловнинг асосий
мақсади:

Ўзбекистонда ёшлар туризмини ривожлантириш, туман ва шаҳарларнинг туристик салоҳияти, жойлардаги тарихий обидалар, зиёратгоҳлар, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни кенг тарғиб қилиш, медиамаҳсулотларнинг кенг тарқалган тури — видеороликлар ёрдамида мамлакатнинг туризм салоҳияти тўғрисида кенг жамоатчиликни хабардор қилишдан иборат.

Танлов номинациялари:

— «Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини намоён этган энг яхши видеоролик»; — «Ўзбекистоннинг экотуризм салоҳиятини намоён этган энг яхши видеоролик»; — «Миллий қадрият ва урф-одатларни тарғиб этишга қаратилган энг яхши видеоролик»; — «Видеоролик сценарийи учун энг яхши ғоя»; — «Ўзбекистоннинг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлари тўғрисидаги энг

яхши видеоролик».

Танлов қўйидаги
босқичларда
ўтказилади:

— Иккунли ишларни қабул қилиш — 2014 йилнинг 25 апрелидан 1 октябргача.

— Ғолибларни аниқлаш ва тақдирлаш маросимини ташкил этиш — 2014 йилнинг 15 ноябргача.

Танловда таълим муассасаларининг ўқувчилари ва талабалари, иккунли бирлашмалар, марказ ва клублар аъзолари, профессионал журналистлар, видеомаҳсулотлар яратиш билан шуғулланувчи мутахассислар иштирок этишлари мумкин.

Иккунли ишлар
«Қамолот» ёшлар
ижтимоий
ҳаракатининг туман
(шаҳар),
вилоят Кенгашиларида
қабул қилинади.

Батафсил маълумотларни www.videotanlov.uz ҳамда 241-02-72, 241-00-50 телефон рақамларидан олишингиз мумкин.

СПОРТ МАЙДОНЧАСИ

Болаларга муносиб совға

Ургут тумани «Боғишамол» маҳалласи ахли спортининг футбол турига жуда ишқибоз. Йиғин раиси Сайфулло Маҳкамовнинг ўзи ҳам маҳалла қошидаги жамоада тўп суради. Унинг бошчилигида маҳалла фаоллари сабъ-ҳаракатлари билан ҳудудда сунъий қопламали иккита замонавий футбол майдончаси қуриб битказилди.

■ Нилуфар ЮНУСОВА
«Mahalla»

Ҳомийларнинг юз миллион сўм маблағи эвазига қад ростилаган ушбу майдончаларда барча шариоит муҳайи. Унда нафақат футбол, балки спортнинг баскетбол ва волейбол тури билан ҳам шуғулланиш мумкин.

— Ҳудудимизда етти минг нафарга яқин аҳоли истиқо-

мат қилса, шундан олти миш фоизини ёшлар ташкил этади, — дейди маҳалла раиси С.Маҳкамов. — Ушбу спорт майдончаларини қуришда маҳалла ахли бир ёқадан бош чиқариб, ҳамжиҳатликда меҳнат қилишди. Бу майдончалар Соғлом бола йилида маҳалламиз ёшлари учун муносиб совға бўлди.

Спорт — саломатлик гарови, деб бежиз айтишмайди. Биринчидан, спорт туфай-

ли соғлом турмуш тарзи қарор топса, иккинчидан, болаларнинг бўш вақтлари мазмунли ўтади. Ҳозирда эрта-лаб соат саккиздан кеч соат олтигача уч нафар мураббий қарийб тўрт юз нафарга яқин бола билан машғулотлар олиб бормоқда.

Дарҳақиқат, бугунги кунда Самарқанд вилоятидаги 2212 та жисмоний тарбия ва спорт жамоасида 722 минг нафардан ортиқ ёш спорт билан мунтазам шуғулланмоқда. Вилоятда 58 та стадион, 43221 та спорт майдончаси, 834 та спорт зали, 11 та сузиш ҳавзаси шуғулланувчиларга хизмат кўрсатиб келмоқда. Буларнинг барчаси келажақ авлодининг соғлом вояга етишида муҳим омил бўлаётир.

ЭЪЛОН

Қадрли китобсевар юртдошлар!



Тафаккур ёғдуларидан мунаввар бўстонга шошилинг!

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОВ

Телефонлар:

Қабулхона: 233-39-89, Котибият: 233-44-25, Фуқаролик жамияти институтлари билан ишлаш бўлими: 199-84-32, Иқтисодиёт ва ҳуқуқ бўлими: 199-83-46, Маънавият ва спорт бўлими: 199-84-23, Факс: 233-10-73

Нашр кўрсаткичи: 148

24916 нусхада чоп этилди. Буюртма J-9843



Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 4 босма табоқ.

Саҳифаловчи: Л.Мейликов
Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова
Навбатчи: Т.Низомов
Нашр навбатчиси: Ф.Эсонов

Тахририят манзили:

Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Топшириш вақти — 21.⁰⁰

Топширилди — 21.⁰⁰





Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори

Қишлоқ хўжалигининг машинасозлик

корхоналарини бошқаришни янада такомиллаштириш ва молиявий соғломлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Белгилансинки, «Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи» ва «Чирчиқ қишлоқ хўжалиги техникаси заводи» очик акциядорлик жамиятларининг бошлангич низоом жамғармалари тугатилаётган «Тошкент трактор заводи» ва «Чирчиққишлоқмаш» очик акциядорлик жамиятларининг бюджет ва давлат мақсадли фондлари олдидagi қарздорлигини, жумладан, қарздорликни сўндириш пайтигача ҳисобланган пеня ва жарималарни қўшган ҳолда ундириш ҳисобидан мулк комплексларининг бир қисми сифатидagi давлат улуши эвазига шакллантирилади.

7. «Ўзгросаноатмашхолдинг» холдинг компанияси 2019 йилнинг 1 январигача «Тошкент трактор заводи» ва «Чирчиққишлоқмаш» очик акциядорлик жамиятларини тугатиш жараёни ниҳоясига етгач, компанияга бериладиган ер участкалари ва мулк бўйича ер солиғи ва мулк солигидан озод этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, холдинг компаниясига берилган ер участкалари ва мулк негизда ташкил этиладиган янги корхоналар ер ва мулк солиғини ўрнатилган тартибда тўлайди.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда 2014-2015 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастурида қўп қаватли уйлар, ижтимоий соҳа муассасалари ва бошқа объектларга хизмат кўрсатиш учун Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманида (ПТЗ-1, ПТЗ-2, ПТЗ-4 ва Югнакий ҳаҳаларида) энергия тежайдиган замонавий ускуналар билан жиҳозланган маҳаллий қозонхоналарни қуриш ва уларни 2015 йилнинг биринчи чоратидан кечиктирмай ишга туширишни кўзда тутсин.

Маҳаллий бюджет мублаглари, шунингдек, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек туманида маҳаллий қозонхоналар қуришни молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.

9. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Мирзо Улуғбек туманидаги маҳаллий қозонхоналар фойдаланишга топширилгач, уч ой муддатда Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 434-уйда жойлашган бино ва иншоотларни белгиланган тартибда бузиш, қозонхона ускуналарини қайта монтаж қилишни таъминласин.

10. «Ўзгросаноатмашхолдинг» холдинг компаниясини ташкил этиш ва унинг фаолияти билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал этиш бўйича Ишчи комиссияси 5-иловага мувофиқ тартибда тузилсин.

Ишчи комиссия (Ҳ.У.Розуқулов) қонунчиликда белгиланган тартибда:

икки ой муддатда «Ўзгросаноатмашхолдинг» холдинг компанияси шакллантирилишини ташкил этиш, компания таъсис ҳужжатларини тайёрлаш ва уни давлат рўйхатидан ўтказиш, унинг низоомини тасдиқлаш, ижро аппаратурини юқори малакали кадрлар билан тўлдирилишини;

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
2014 йил 15 май

И.КАРИМОВ

АКС-САДО

Тинчлик — фаровон ҳаёт, эзгу орзу-мақсадларнинг асоси



СЎЗ — ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Буюк даҳоларни етиштирган юртнинг келажаги албатта буюк бўлади

< [1]

Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино каби буюк олимларнинг дунё цивилизациясига қўшган ҳиссаси бекиёсдир. Улар яратган кашфиётлар, қомусий асарлар ва илмий ишлар бутун жаҳон аҳлининг бойлигига айланган. Масалан, Ибн Синонинг «Тиб қонунлари» асари асрлар довомида бутун Европа шифокорлари учун асосий қўланма бўлиб келган. Швейцариялик машҳур тиббиёт тарихчиси Арнольд Клебс бу асарни барча даврларнинг энг муҳим ва долзарб интеллектуал феномени, деб таърифлаган.

Мен Ибн Синонинг тиббиёт, биология, минералогия, геология ва фалсафа соҳаларидаги тадқиқотларини юксак қадрлайман. Уларни ўрганиш асосида «Ибн Сино ва унинг араб ва латин дунёсига таъсири», «Абу Али ибн Сино ва унинг мероси» каби китоблар ёзганман. Алломанинг дунё илм-фани ривожига қўшган улкан ҳиссаси ва шундай буюк даҳоларни етиштирган замин олдига таъзим қиламан. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг аждодларингизнинг илмий-маънавий меросини асраш, келгуси авлодларга етказиш борасидаги буюк хизматларидан кўпчиликл ўрнак олса арзийди. Бунинг учун Президент Жаноби Олийларига чексиз миннатдорлик билдираман.

Пак Чун-БЭ, Инха университети президенти (Жанубий Корея):

— Самарқанд қадимдан жаҳон илм-фани марказларидан бири бўлган. Бу ерда қамол топан олим мутафаккирлар бугунги авлодларнинг фахру ифтихорига айланган.

Президент Ислам Каримов конференциянинг очилиш маросимидagi нутқда ёшларга мурожаат қилиб, уларни буюк аждодлари билан фараланишга, ғурурланишга чақириб, айни вақтда бобоқалонларининг бебаҳо меросини янада бойитишга муносиб ҳисса қўишш кераклигини таъкидлади.

Бу жуда тўғри талаб, эзгу мақсад. Буюк инсонларга муносиб бўлишга, улар бошлаган ишларни ривожлантиришга интилиш ёшларни қамолотга етаклайди.

Ўзбекистонда бунинг учун барча шaroит бор. Мактабгача ва мактаб таълими, ўрта махсус ва олий таълим бўғинини қамраб олган узлуксиз таълим тизими, шунингдек, олий таълимдан кейинги диссертация босқичлари халқаро меъёрларга мос ҳолда ташкил этилган. Бу Президент Ислам Каримовнинг ёшларнинг ҳар томонлама қамол инсонлар бўлиб етишиши учун қаратаётган улкан эътибори ва ғамхўрлигининг амалдаги ифодасидир.

Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорлик кўппаб соҳалар қатори таълим тизимида ҳам изчил тараққий этаётгани бизни ғоят қувонтиради. Давлатингиз раҳбарининг 2014 йил 24 мартдаги қарорига мувофиқ Тошкент шаҳрида ташкил қилинётган Инха университети ана шу ҳамкорлиқнинг аққол намунасидир.

Ушбу университет Ўзбекистон билан фан-таълим, ахборот-коммуникация технологиялари соҳаларидаги алоқаларимизни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Парвиз МОРВИЖ, Нью-Йорк давлат университети профессори, «Глобал илмий нашрлар» маркази директори (АҚШ):



— Мустақиллик йилларида Ўзбекистон дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллади. Демократик ислохотларни чўқурлаштириш, минтақада тинчлик ва хавфсизлиқни мустаҳкамлашга қаратилган ташаббуслари боис мамлакатингизнинг жаҳондаги обрў-эътибори тобора юксалмоқда.

Ўзбек халқи бой тарих, юксак маданият, буюк маънавият ворисларидир. Бу муқаддас заминда вояга етган буюк алломалар, олим-физиклар жаҳон илм-фани ривожига бекиёс ҳисса қўшган. Мамлакатингиз мустақиллиги шарофати билан хорижда буюк аждодларингизнинг бой илмий меросини ўрганишга бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда.

Президент Ислам Каримов томонидан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, шаҳару қишлоқлар қиёфасини ўзгартириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар самораси ҳар қадамда кўзга ташланадиган турибди. Кенг қўламли бунёдкорлик ишлари, муҳташам бино ва иншоотлар юртингиз кўрқига кўрк қўшмоқда. Халқаро конференция иштирокчилари тўпланган Самарқанддаги Қабуллар уйи шундай гўзал ва маҳобатли мажмуалардан бири бўлибди. Бу саройнинг кўрку салобати, ландшафт дизайни ҳақда ҳайрат ва ҳавас уйғотди.

Ли ЦЗИНЬСЮ хоним, Хитой ижтимоий фанлар академияси Тарих институтининг Евроосиё тадқиқотлари маркази директори, профессор:

— Мен Марказий Осиёнинг тарихини кўп ўқиб, ўрганганман. Ўзбекистон азалдан минтақадаги муҳим мамлакат бўлиб келган. Қадимда ватандошларингиз Хитойга бориб, у ерда санъат ва маданият, савдо-сотиқ ва тиббиёт каби ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг ривожланишига катта ҳисса қўшган.

Бу анжуман ўрта асрлар Шарқ алломаларининг дунё илм-фани раванқига қўшган бемисл ҳиссаси ҳақида фикр алмашиш, аждодларингизнинг илмий фаолиятини таҳлил этиш имконини бергани билан аҳамиятлидир.

Бу ҳақда гап кетганда, аввало

Амир Темурни эслайман. Соҳибқироннинг қуч-қудрати, салтанати дунё тарихида ўчмас из қолдирган. Унинг «Куч — адолатда» деган машҳур сўзлари инсонларни тўғрилик, ҳалоллик ва юксак маънавият билан яшашга ундаб келмоқда.

Ўзбекистонда тинчлик-осойишталиқни мустаҳкамлаш, миллатларaro тенглик ва татувлиқни таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар замирида ана шундай мақсад муҳассам.

Салоҳ СУЛТОН, Осиё му сулмонлари қўмитаси котиби (Қувайт):

— Шарқнинг буюк алломаси, қомусий мутафаккир Абу Райҳон Беруний инсонлар ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган бебаҳо илмий мерос қолдирган. Унинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «Ҳиндистон» каби асарларида таълим-тарбия, билим ва меҳнатга оид чўқур маъноли фикрлар муҳассам. Америкалик тарихчи олим Сартон XI асрни «Беруний асри» деб таърифлайди. Бундай юксак ва ҳақли баҳо аввало қомусий тафаккур соҳиби бўлган буюк алломанинг илм-фан тараққийотига қўшган бекиёс ҳиссаси билан изоҳланади.

Қадим ва навқирон Самарқанд шаҳрида халқаро конференция юксак савияда ташкил этилганини алоҳида таъкидламоқчиман. Президент Ислам Каримов нутқи конференция иштирокчиларида катта таассурот қолдирди. Унда ўрта асрлар Шарқ алломаларининг жаҳон цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссаси, айни пайтда Ўзбекистоннинг бугунги тараққийоти, ёшларга кўрсатилаётган эътибор аниқ мисоллар асосида таъсирчан боён қилинди. Ўзбекистонда илм-фани ривожлантириш, ёш олимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, илмий тадқиқотларни ҳаётга татбиқ этиш борасида яратилаётган шарт-шaroит ва имкониятлар эътиборга молик.

ЎЗА махсус мухбирлари Ноҳира МАНЗУРОВА, Ғолиб ҲАСАНОВ, Ирода УМАРОВА ёзиб олд.

Халқаро конференция якунланди

< [1]

Ал-Хоразмий илмий меросининг Темурийлар даври архитектураси ва эпиграфикасига таъсири, Абу Райҳон Беруний ва геологияда геодинамика ғоясининг шаклланиши, Аҳмад ал-Фарғонийнинг гидрологияга оид кашфиётлари, Ибн Сино илмий мероси ҳамда унинг тиббиёт ва фармацевтика ривожланишидаги ўрни, Маҳмуд Замашарийнинг тилшунослик соҳасидаги хизматлари, Мирзо Улуғбек ва у ташкил этган илмий мактабнинг математика ва астрономия тараққийотига қўшган ҳиссаси, Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларининг жаҳон адабиёти ва маданияти ривожидagi аҳамияти каби қатор мавзуларда маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Мирзо Улуғбек номидаги Астрономия институти директори, физика-математика фанлари доктори, профессор Шўҳрат Эгамбердиев, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети биринчи проректори Шўҳрат Сирожиiddинов, Хитой Фан ва технологиялар университетининг тарих ва археология факультети раҳбари, профессор Ши Юнли, «Абу Али ибн Сино — Франция» уюмаси президенти, профессор Марк Боннел (Франция), Лувен католик университети профессори Оль Янсценс (Бельгия) ва бошқалар Президент Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган мазкур халқаро конференция ўрта асрлар алломаларининг илмий меросини ўрганиш, замонавий илм-фан шаклланиши ва ривожланишига қўшган ҳиссасини идрок этиш, бу борадаги халқаро илмий ҳамкорлиқни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этганини таъкидлади.

Халқаро конференциянинг якуний ҳужжати қабул қилинди.

Анжуман иштирокчилари Самарқанд автомобилсозлик ҳамда Енгил санаят ва иқтисодиёт касб-хунар коллежларида бўлиб, мамлакатимизда жорий этилган 12 йиллик узлуксиз таълим тизими самаралари билан танишди. Меҳмонлар ёшларнинг халқаро стандартлар асосида, замон талабларига мос таълим-тарбия олиши учун яратилган шaroит ва имкониятларга юксак баҳо берди.

Тарихий обидалар, буюк алломаларимиз номи билан боғлиқ мажмуалар зёбрати, истиқлол йилларида бунёд этилган замонавий иншоотлар иштирокчиларда унутилмас таассурот қолдирди.

Ирода УМАРОВА, Ноҳира МАНЗУРОВА, Ғолиб ҲАСАНОВ, ЎЗА махсус мухбирлари.

ҚУЛАЙЛИК

Хосиятли фермер ҳўшмати

Ғузор туманидаги «Совбог» маҳалла фуқаролар йиғини янги бинога кўчиб ўтди.

Мухбиримиз.

«Хосиятли» фермер хўжалиги раҳбари Хайрулла Шерқуловнинг ҳомилигида бунёд этилган маҳалла биносида барча шарт-шaroитлар яратилган.

— Фермер ташаббусидан жуда қувондик, — дейди йиғин раиси Ҳўшамкул Шерматов. — Айни вақтда шинам, замонавий бинода фаолият олиб бораёмиш. Янги бинога милиция таянч пункти ҳамда «Совбог» почта алоқа бўлими ҳам жойлаштирилди. Бу, албатта, аҳоли учун қўшимча қўлайлик яратди.

Саховатпеша фермер ғайрати билан маҳаллада савдо маркази ҳам бунёд этилмоқда.

АНЖУМАН

Ютуқлар кўп, лекин бу марра эмас

Маълумотларга кўра, ҳозир дунёнинг ривожланган, тараққий топган давлатларида онкологик касаллик билан оғриган беморларнинг 53 фоизи истиқомат қилса, ривожланаётган давлатларда улар 47 фоизни ташкил этади. Ушбу далиллар иқтисодий жиҳатдан ривожланган, турмуш тарзи тубдан ўзгарган мамлакатларда бу турдаги касалликлар маълум даражада кўпайганини кўрсатади.



■ **Зебинисо ҲАЙИТОВА**
«Mahalla»

Соҳа мутахассисларининг тадқиқотларига кўра, ўсма касалликларини келтириб чиқарувчи омиллар икки турга бўлинади: экзоген ва эндоген. Экзоген омиллар ташқи муҳит билан бевосита боғлиқ бўлиб, аксарият ҳолларда организмга узок вақт мобайнида таъсир ўтказadi. Булар овқатланиш тартиби, тамаки ва спиртли ичимликларни истеъмол қилиш, қуёш нурини радиацияон омиллар ҳамда канцероген хусусиятга эга саноат чиқиндилари таъсиридир. Эндоген омиллар эса, организмнинг ички хусусиятлари, яъни кўп жиҳатдан гормонал, иммунологик ва ирсият билан боғлиқ бўлиб, маълум бир аъзода ҳавфли ўсмонинг ривожланишига олиб келиши мумкин. Дунё олимларининг текшириш ва изланишлари шуни кўрсатадики, агар аҳоли орасида мақсадли равишда қўлланиладиган санитария-гигиена ва ўсма касаллигига қарши тарбиёт тўғри олиб борилса, касаллик вақтида аниқланиб, организмга таъсир қилувчи омиллар қисқартирилса, ушбу хасталикни 70 фоизгача даволаш имкони туғилади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика Онкология илмий маркази етакчи мутахассислари ҳамда оммавий ахборот воситалари иштирокида ўтган матбуот анжумани Ўзбекистон тиббиётининг онкология тизимида ушбу касалликнинг олдини олиш ва уни самарали доволашнинг замонавий усулларига бағишланди.

Айни пайтда мамлакатимизда онкологик муассасаларнинг вертикал интеграциялашган тизими яратилган. Ҳавфли ўсмадан ягона мезонлар асосида ташхис қўйиш ва даволаш юзасидан салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, онкологик муассасалар замонавий усқуналар билан жиҳозланди, тизимни ривожлантириш учун давлат бюджетидан ажратилган маблаг микдори икки баробар оширди. Навоий, Сирдарё ва Жиззах вилояти онкологик диспансерлари янги биналорга кўчирилди, 13 та вилоятда онкологик диспансерлари реконструкция қилинди. Шунингдек, Фарғона, Навоий ва Жиззах вилояти онкологик диспансерларида радиология бўлимлари ташкил этилди. Мазкур муассасаларда ўрнатилган замонавий компьютер-томография усқуналари онкологик маркерларни аниқлаш, иммуногистохимик текшириш ва бошқа замонавий усулларни кенг миқёсда қўллаш, ташхис қўйиш ва самарали

даволаш натижаларига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

— Бугунги кунда мутахассисларимиз тиббий профилактика жараёнлари, онкологик хасталикларни кечиктирмай аниқлаш ва ўз вақтида даволаш борасида изланишлар олиб бормоқда, — дейди Республика Онкология илмий маркази директори Саримбек Наврўзов. — Онкологик касалликлар инсон учун ҳавфлилигига кўра, қон томир касалликларидан кейинги иккинчи ўринда туради. Бу турдаги касалликлар, асосан, белгисиз кечилиш сабаб-ли кўпичча беморлар шифокорга анча кеч мурожаат қилишади. Айнан мана шундай кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида шифо масканларининг тажрибали мутахассислари иштирокида чекка қишлоқ ва маҳаллалар, қорхона ҳамда ташкилотлар, ўқув муассасаларида соғлом турмуш тарбиятига бағишланган тадбирлар мунтазам ташкил этилиб, кенг миқёсда беғул тиббий текширувлар ўтказилляпти.

Сут бези ва бачадон бўйни саратони профилактик кўриқлар ва скрининг текширишлар ўтказилиши натижа-сида сўнгги йилларда касал-лики биринчи ва иккинчи бос-қичларда аниқлаш фоизи қарийиб икки баробарга ошди. Меъда, йўғон ичак ва қовуқ саратони хасталик-ларида жарроҳлик йўли билан олиб ташланган аъзолар фа-олиятини тиклашда юқори кўрсаткичларга эришилди. Қувонарлиси, МДХ мамлакат-лари орасида биринчилар-дан бўлиб, меъда олиб таш-лангандан сўнг ушбу аъзо фаолиятини тиклаш, ингичка ичакдан фойдаланган ҳолда пластик-тиклаш жарроҳлиги, яъни бемор ичтигидан ошқо-зон ҳосил қилиш операция-си қўлланилмоқда. Айни пайтда ушбу операция на-тижасида юзлаб беморлар хасталикдан фориг бўлиб, соғлом ҳаёт кечирмоқдалар. Бундай мураккаб жарроҳлик амалиёти республикамизнинг вилоят ва шаҳарларида ма-лакали мутахассислар томо-нидан муваффақиятли амал-га оширилмоқда.

Шунингдек, анжуманда соҳа ходимларининг малака-сини ошириш мақсадида Рес-публика Онкология илмий маркази ва Тошкент врачлар малакасини ошириш инсти-тутини ҳамкорлигида онко-логия бўйича умумий амалиёт врачлари ва бошқа ихтисос-ликлар бўйича шифокорлар учун малака ошириш курс-лари ташкил қилингани, қолаверса, хорижий клини-калар билан алоқалар ўрнатилиб, ёш онколог олим-ларнинг малакаси оширила-ётгани эътироф этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Рес-публикаси соғлиқни сақлаш вазирини Анвар Алимов ишти-рок этди.

БУГУННИНГ ГАПИ

Маслаҳатчининг маънавий тарғиботи ҳаётий, таъсирчан ва самарали бўлиши керак

(Ғоявий тарғиботнинг асосий омиллари)

Иккинчи мақола

< [1]

Тарғиботчи учун асосий мезон — та-факкур, фикр бойлиги. Фикр, таъбир жоиз бўлса, иш қуролига ўхшайди, ама-лиётда қўлланмаса, тезда занглайди, ўтмаслашади. «Ўтмаслашиш» — тарғи-ботчи учун катта ҳавф. Чунки маҳалла-ларда ёши, тажрибаси, билим кўлами кенг кишилар жуда кўп. Шу сабабли, маҳалла фаоллари ўз устида тинимсиз ишлаши даркор. Бунда фаоллар мил-лий мафқурамиз моҳиятини чуқур идорқ этишлари, унинг замирида жамланган эзгу мақсадлари муфассал билиб олиш-лари талаб этилади.

Миллий ғоямиз миллатимизнинг ўтми-ши, бугуни ва истиқболини ўзида мужас-самлаштириб, тараққиётга хизмат қили-шини, халқимизнинг туб мақсадларини фидолаб, жамият аъзоларини бирлаш-тирувчи қатта эга эканини кенг аҳоли қат-ламига етказиш ҳам фаоллар зиммаси-да. Зотан, миллий ғоя ҳар бир фуқаро-нинг эзгу ниятларини рўёбга чиқаришга имкон беради. У юртимизда яшаётган барча халқ, миллат, элат, ижтимоий қат-лам ва дин вакилларига бирдай таал-луқлидир. Маҳаллалардаги ғоявий тар-ибот тадбирлари мамлакатимиз аҳоли-сининг онги ва қалбида «Биз ягона оила фарзандларимиз», «Шу азиз Ватан бар-чамизники», «Ўзбекистон — умумий ўйи-миз» каби туйғуларни юксак даражада шакллантиришга хизмат қилиши даркор. Олижаноб ғоямиз ҳар қандай илгор ғояни ўзига синдириш билан бирга ёт мафқу-рага қарши жавоб бера олиш қудрати-га эга.

Ғоявий тарғибот миллий мафқурамиз-нинг ана шундай хусусиятларини юзгага чиқаришга имкон берса, жамият ҳаёти-да етакчи маънавий-маърифий омилга айланади. Бундай тадбирларни амалга оширишда яна бир муҳим жиҳат — ма-ҳалла аҳлининг ёши, психологияси, кас-би, миллати, диний мансублиги ва эти-қоди, идорқ этиш имкониятлари, билим даражасини ҳисобга олишдан иборат. Тарғиботчи қачон ва қандай тарғибот услубини қўллашни билсагина мус-тақиллиқни мустақамлаш, мамлакатимиз-да озода ва обод Ватан, эркин ва фаро-вон ҳаёт барпо этиш бевосита маҳал-ланинг ҳар бир кишисига боғлиқ экани-ни бошқаларга аңглата олади.

Халқимизнинг ёзма ва оғзаки ижод намуналаридостон, ҳикоя ва эртаклар-га, Ватанимизнинг бой тарихий меро-сига мурожаат қилиш, миллий қаҳра-монларимиз, улуг аждодларимиз ҳаёти-дан ибрат олишга эҳтиёж уйғотиш ҳам миллий ғоямиз тарғиботи самарадор-лигини белғилайди.

Таъкидлаш жоизки, ҳаётни теран би-лиш, ютуқ ва муаммоларни чуқур та-ҳил қилиш, муҳокамаларда эркин иш-тирок этишни таъминлаш иштирокчилар фаолигини оширмоқди. Боҳс, мунозира-лар, турли мисоллар орқали одамлар-ни тўғри йўналишга солиш, аҳолида эр-кин ва мустақил фикрлашни шакллан-тириш, мутеликдан ҳоли авлодни тар-

ГИЁҲВАНДИК — АСР ВАБОСИ

Огоҳликка имкон ҳам, вақт ҳам етарли

< [1]

Шундан сўнг фикру ҳаёлим кўпроқ пул топиш билан банд бўлди. Гиёҳ-вонд моддани топиш учун ҳатто энг қобих ва энг разил ишларни бажар-ишга тоёр эдим. Аҳолимдан хабар топишгач, ақинларим мени даволатиш учун шу ерга олиб келишди. Айни юр-тимга хизмат қиладиган, бахт-соодат-ли умр кечирадиган пайтимда ўзимни ўзим абгор қилдим. Жигор циррозидек бедаво дардга чалинибман. Ки-шига бундан ортиқ жазо бўлмаса ке-рак. Қани эди, бир муддатта умримни ортга қайтаришининг иложини топол-сам. Ушанда бутунлай бошқача йўлни танлаган, халқимга, Ватанимга муно-сиб фарзанд бўлардим...

Ийгининг-ку офусу чекишдан ўзга чораси йўқ. Аммо ёшларни ушбу ил-лат домидан асрашга, уларга ҳақи-қий ҳаёт гаштини суришининг тўғри йўлларини кўрсатишга, разил ким-саларнинг тузоягидан огоҳ этишга им-кон ҳам, вақт ҳам етарли.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари иштирокида аҳоли, хусусан, ёшлар ўртасида олиб борилаётган тизимли тарғибот тадбир-лари, таъсирчан амалий чоралар ёшларнинг ишларини таъсирчан усул-ларда олиб бориб, юқори самара-



биялаш тўғрисидаги мулоҳазаларни до-имо эсда тутиш лозим.

Ёшлар — мамлакатимизнинг, эртан-ги кунимизнинг эгалари. Глобаллашув жараёнида уларни турли маънавий-маф-куравий ва ахборот хуружлари таъсири-дан ҳимоялаш, ёшлар маънавиятига ёт ғоялар таҳдид қилишининг олдини олиш-да фуқаролар йиғинлари фаоллари мил-лий мафқуранинг ҳар бир ғоясини амал-га оширишга ундашлари, муқаммал таъ-лим-тарбияга эътибор қаратишлари за-рурдир. Бунда таълим муассасалари хо-димлари билан мустаҳкам ҳамкорлиқни йўлга қўйиш, миллий урф-одад ва аъъа-наларни тарғиб этувчи тадбирлар ўтка-зиш, миллий ва умуминсоний қадрият-ларни эъзозлашга ўргатиш, ахлоқ қонид-ларига доимий амал қилишни таъмин-лаш ҳам ёшларда мафқуравий иммуни-тетни шакллантиришга хизмат қилади. Ёшларнинг ҳунар ўрганишига фаоллар-нинг қўмақлашиши ҳам уларнинг буш вақт-ларини мазмунли ўтказиш, келажакга сар-моя ҳозирлашга имконият яратади.

Китобга меҳр уйғотиш — миллий ғоя тарғиботида энг ишончли ва самарали усул. Кунини компьютер монитори ол-дида бесамар ўтказоётган ўғил-қизлар-ни миллий ва жаҳон адабиёти намуна-ларига қизиктириш уларнинг руҳий-маъ-навий юксалишига ҳисса қўшади. Ма-ҳаллаларда китобхонлик кечалари, му-шоиралар, бадий осор тоҳилига ба-ғишланган баҳс-мунозарали тадбирлар-ни тўғри йўналишга солиш, аҳолида эр-кин ва мустақил фикрлашни шакллан-тириш, мутеликдан ҳоли авлодни тар-

туал ўйинлар ўтказиш, турли кўрик-тан-лов ва фестивалларда қатнашишлари-га имконият яратиб бериш ҳам фар-зандлар онги ва шуурида миллий ғоямизни мустаҳкамлайди.

Шунингдек, маҳаллада фаолият олиб бораётган ҳар бир фаолдан мафқура-вий профилактикага онд махсус билим, кўникма ва муайян малакага эга бўлиш талаб этилади. Жумладан, ёшларни ди-ний ақидапарастлик ғояларидан ҳимоя-лаш услублари ва воситаларини, унинг шакллари ва босқичларини, самарадор-лигини ўрганиш ва тақомиллаштириш йўлларини пухта билишлари тақозо эти-лади. Ғоявий тарғибот ишида кампания-чилик, расмийatchиликка йўл қўйиш туза-ти бўлмас оқибатларни юзгага келти-ришини унутмаслик керак.

Хулоса ўрнида айтганда, бугун ма-ҳалла зиммасидаги вазифалар кўлами кенг, масъулияти улкан. Бундай залворли ва ҳайрли юмуш аҳолини ижтимоий фа-олликка, юрт тақдирига дахлдорлик туй-ғусини шакллантиришга қаратилган. Биз юқорида фикр юритган ғоявий тарғибот омиллари ҳар бир фуқарода маънавий етуқликни тарбиялайди. Маънан етуқ ин-сон эса ижтимоий фаол, ён-атрофдаги воқеаларга дахлдор бўлади. Маънавия-ти юксак халқ эланишига, ижод қилишга, турмушини янгилашга, янада илгор ютуқ-ларни қўлга қиритишга интилади. Ма-ҳаллаларнинг диний маърифат ва маъ-навий-ахлоқий масалалар бўйича мас-лаҳатчилари, фаоллар юритаётган ғоявий тарғибот ишлари айни шу жиҳат-лари билан долзарб ва аҳамиятли.

МАҲАЛЛАДА ДУВ-ДУВ ГАП

Қўштепасаройда қўш мажмуа

Олтинқўл туманидаги Қўштепасарой қишлоқ фу-қаролар йиғини ҳудудидаги «Ўрта» маҳалласида бир-бирига ёндош учта замонавий мажмуа қури-либ фойдаланишга топширилди.

■ **Нурилло НЎЪМОНОВ.**
Андижон вилояти.

Тадбиркорлар Абдулазиз Эргашев ҳамда Ойбек Йўлдошев барпо этган мазкур савдо дўконида озиқ-овқат маҳсулотлари, саноат ва ҳўжалик моллари савдо-си йўлга қўйилди. Бино ёни-да бунёд этилган автомобил-ларга техник хизмат кўрса-тиш шохобчаси ҳам яқинда иш бошлайди.

— Ушбу мажмуалар ҳуду-димиз аҳолисига кўплаб қўлайликлар туғдиради, — дей-ди йиғин раиси Баҳодиржон Ашуров. — Илгари одамлар

рўзорга зарур нарсаларни харид қилиш учун бир неча чақирим наридаги бозорга боришарди. Бугун озиқ-овқат, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотла-ридан тортиб ҳўжалик буюм-ларигача шу ернинг ўзида му-ҳайё. Энг муҳими, улар си-фатли ва ҳамёнбон.

Бундан ташқари, яқинда тажрибали шифокор Аҳмад-жон Исроилов «Қўштепа мед сервис люкс» хусусий тибби-ёт марказини ишга тушир-ди. Натижада ундан зиёд ки-шининг бандлиги таъминлан-ди. Бу ерда яратилган қўлай шарт-шароит, юқори мала-кали тиббий хизматдан қишлоқ аҳли мамнун.

Замонавий сервис маркази

Ёртепа қишлоғидаги «Кўймозор» маҳалла фуқа-ролар йиғинида замонавий сервис маркази иш бошла-ди. Фойдаланилмаётган эски бино мукаммал таъ-мирланиб, зарур усқуналар билан жиҳозланди.

■ **Нурбек АБДУЛЛАЕВ.**
Наманган вилояти.

Хозир бу ерда пойабзал ва тикувчилик устахона-лари, аёллар гўзаллик сало-ни, ошхона аҳолига на-мунали хизмат кўрсатаётир. Эътиборлиси, ўнта янги иш ўрни яратилиб, унга маҳал-ла ёшлари жалб этилди.

— Бу хайрли ишни амал-га оширишда вилоят каса-ба уюшмалари бирлашма-сининг ёрдами катта бўлди, — дейди «Маҳалла» хайрия

жамоат фонди Тўрақўрғон тумани бўлиномаси раиси Маъсудахон Бегматова. — Шу тариқа мазкур ташкилот билан биргаликда маҳалла-ларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш бўйича ишлаб чиқилган тад-бирлар режасининг яна бир банди бажарилди.

Ушбу ҳамкорлик доира-сида йил охиригача бошқа маҳаллаларда ҳам аҳоли бандлигини таъминлаш, обо-донаштириш бўйича бир қатор ишларни амалга оши-риш режалаштирилган.

Анъанани давом эттириб

Нурота туманидаги «Эшони Судур» маҳалласи аҳли азалдан хунармандлиги ва тадбиркорлиги билан машхур. Нурота ижтимоий иқтисодийёт касб-хунар коллежи ўқувчиси Ирода Ҳасанова маҳалладошлари анъанасини давом эттириб, тикувчилик ва тўқувчи-ликка меҳр қўйди.

■ **Гулрух ТОҒАЕВА.**
Навоий вилояти.

Яқинда у маҳаллада ўзи-нинг «Ҳабиба она» ки-чик қорхонасини очди. Ҷеҳда 20 нафар қиз қийим-ке-чак, элита парда ва кўрпа-тўшаклар тикиш билан бирга, буюртма асосида турли пи-ширлар ҳам тайёрлашмоқда. — Айни пайтда ҳудуди-

мизда 23 нафар тадбиркор ва 13 нафар хунарманд фаолият кўрсатяпти, — дейди маҳалла раиси Ўрлобй Раҳимов. — Ёш тадбиркор Ироданинг ки-чик қорхонасида унинг тенг-дошлари, яъни коллеж бити-рувчилари иш билан таъмин-лангани эътирофга лойиқ.

И.Ҳасанова келажакда банкдан кредит олиб, қорхо-нани фаолиятини янада кен-гайтиришни режалаштирган.



бўтун умр иснодга қолади, эл ичида ишонч-эътиборидан айрилади. Маҳал-лалар эса, ана шундай кишиларни со-ғлом ҳаётга қайтариш, ижтимоий кўни-қирш чораларини кўраётгани ва бу борада муваффақият қозоноётгани қувонарли. Жумладан, жорий йилда Фондинг услубий-амалий кўмапда ма-ҳаллаларда истиқомат қиляётган, нар-котик ва гиёҳвонд моддаларга мубта-до бўлиб қолган 1542 нафар шахс фаолияти юзасидан жамоатчилик ма-зороти ўрнотилгани уларни тўғри йўлга бошлашда қўл келмоқда. Заҳри қотил икканжасида қолган 312 нафар шахс-нинг ҳақ тўланадиган жамоат ишла-

рига ва 250 нафарининг касбга йўнал-тирилгани эса бевосита фуқаролар йи-ғинларининг Маърифат ва маънавият масалалари бўйича комиссияси аъзо-лари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси аъзоларининг сый-ҳаракати билан амалга ошди.

Халқимизда: «Касални даволаган-дан кўра, олдини олган афзал», деган ҳикмат бежиз айтилмаган. Маҳалла-ларда амалга оширилаётган бундай тизимли чора-тадбирлар гиёҳвондлик вобосидан юртдошларимизни муносиб ҳимоялашга хизмат қилмоқда.